

идентификациянинг ўқувчи-мураббийлар чинакам замонавий билим соҳиблари бўлиши кераклиги ҳақиқати истакчиларнинг замиридан биз шу фикрларни англадик.

Биз бошланғич синф ўқувчисиэмиз. Туманимиздаги 2400 талдан ортиқ муаллимларнинг биримиз. Қишлоқда энг кулай меҳнат шaroити — ўқувчиники. Қишлоқда энг кўп маош оладиган, маошини вақтида олиб турадиган одам — ўқувчи. Яна бошқа моддий-ақисодий имтиёзларни айтинг. Давлатимизнинг биз ўқувчиларга қўрастаетган қамқорлиги бу. Бироқ биз шу қамқорликка яраша ишлаганимиз? Одамларнинг, айниқса, ўқувчиларнинг ишончини оқлаганимиз? Туманимизда 50 аҳолига бир муаллим тўра. Қанчалар муаллим билан маҳалла аҳолининг қўриқ бўлади. Яқини муаллим яшаётган юрда ёмон одамлар бўлмайд.

**Соодат ЧОРИЕВА,
Ўғиллол МАМАТХОЛОВА,
Жарқўрғон туманидаги
19-миллий ўқувчисиэмиз.**

Ийгилишда ҳамма
жойда ҳушёрлигини
кошириш зарурлиги
тўқтирилади. Президент-
миз айтганидек, агар биз
бу туғини ҳаётимизга,
бунёдкорлик ишларимиз-
га, эришайтган ютуқлари-
мизга тўғри баҳо берма-
сак, уларнинг қалига
етмасак, ўз ҳушёрлиги-
мизни йўқотиб, бизни ҳар
қадамда кутаётган таҳдид-
лар билан қўлга тушиб
қолганимизни ҳис
энг аввало, еш авлод
қалбида жамият, эл-юрт
олдидаги масъулият
ҳиссини уйғотиш, иймон
ва ирода туғғуларини
камол топтириш ҳаёти-
мизни янгилашнинг
муҳим шарти эканлигини
чуқур синглириш зарур.

«Уздунробита» Ўзбекистон
корхонаси ўз йўналиши бўй
Осиёда карвонбошилик қил
қўшма корхона-мамлакатими
и ва иқтисодий ислохотлар
иятини 1991 йилдан бошла
та» кундан-кунга тараққий
да. Американинг нуфузли қ
аифатли асосда алоқа во
технологияни олиб қирмоқда.
Айни пайтда қўшма корх
ларда 15 та бўлимлари ишла

— Биз мустақил республикамизда аёлларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш учун кулчаримизни бир дастиршишимиз керак, — дейди Наталья Михайловна кўйиниб. — Шундангина ҳуқуқий давлатчилигимизда Ўзбекистон аёлларининг буюк интеллектуал ижодий қувватидан ҳам тўла фойдаланиш имконига эга бўламиз.

«Аёл ва жамият» институти мустақил республикамизда ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги ҳукумат сиёсатининг изчил рўёба чикарилишига ўзига ҳок тарзда камарбасталик қилмоқда.

М. ҚОСИМОВА,
«Халқ сўзи» муҳбири

ка катта эълонбор берилган. Бу эрга биз турли мамлакатлардан келган мутахассисларни фақуллода назиятларга иш олиб-бариди. Ҳаққонини қаршига тақрибиса ва малакисини ошириш учун қўлимиздан келганини ерданин аямайишди. Мақтабиса мида узбекистонлик мутахассислар ҳам таълим олган. Уларнинг буғуниги кунда зарур даражада тақрибиса ва билимларга эга.

ЎЗА МУХБИРИ
Анвар КАРИМОВ
СУХБАТЛОШИ.

(U3A)

Президентимизнинг Ўзбекистонда қалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган сиёсатини амалга ошира бориб, ҳукуматимиз кишлоқ ҳужалигини ривожлантиришга қўмаклашиш ва рағбатлантириш мақсадида бир қатор

қилиш-тайёров ташкилоти-нинг қорхонаси номи кўрсатилган ҳамда мажмур қорхона-нинг бўйриғига кўра, ҳар бир аниқ ғалла ва бошқа бошқоқди дон маҳсулотларини етказиб беришнинг фойдасига орадаги мажмур контрактизация шартномаси бўйича ва ҳар бир ки-лограмм дон учун белгиланган нарға бйноан муайян пұл мқдори ажратилганлиғи маълум қилинади.

Тоширилан ғалла ва бошқа бошқоқди дон маҳсулотлари учун қабул қилиш-тайёров ташкилоти банкига контракти-зация ва аккредитив шартлари

ши мумкин:

- * қабул қилиш-тайёров ташкилотларини ҳамда ғалла ва бошқа бошқоқди дон маҳсулот-ларини етказиб беришчи ҳужа-ка раҳбарлари ва бош ҳисоб-чилари имзолаган контракти-зация шартномаси баҳарилан-лиғи солиштирма далолатнома-си;
- * ғалла (гуруч-шоли) бўй-ича ПК-10 қабул-тошириши киттапчилиғи, ПК-10 киттапчи-лиғи 4 нусхадә тўлиқлирдә (би-ринчиси — банкка тақдим эти-лади, иккинчиси — ғалла ва бошқа бошқоқди дон маҳсуло-тини етказиб беришчида қол-

* Валюта қийматиғи белгиләш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

бундан бундан
 жидоликлар
 билан қисс
 текиради ва
 нагининги тас
 тарлар тулик ж
 кейинги 7 хан
 кредитив бил
 ҳисобига лозим
 дорини ҳисоб
 ҳамма бу пул
 ва бошқа бо
 ҳуқуқларнинг
 ҳисобига ўтқа
 бошқа бошқид
 инги тула-тукс
 и кейин қиш
 маҳсулотларин
 и билан сўнги
 қимматлиа ошир
 шингиз мумкин.

Аддикон (8-3742) 22-23-69
 Бухоро (8-3652) 25-70-48
 Жизах (8-37222) 4-39-63
 Қашқадар (8-37522) 3-09-32
 Нукус (8-36122) 3-75-09
 Наманган (8-36922) 3-27-92
 Навоий (843622) 4-92-41
 Самарқанд (8-3662) 31-23-17
 Термиз (8-37622) 4-96-63
 Гулистон (8-3672) 25-14-32
 Фарғона (8-37322) 27-82-01
 Урганч (8-36222) 7-48-08
 Бекobod (8-264) 2-50-22
 Охандарон (8-291) 5-72-19

Б. ДАКИБОВ
«Ғаллабанк»
 қимматли қозылар
 бошқармаси бошлиги.

8. Чет эл ҳамда МДХ мамлакатлари дори воситалари ва субстанцияларнинг қўрилмаси, клиник синовларини қайд этиш ва қайта қаёқда этиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон. *Ўз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

9. Чет эл дори воситаларининг клиник ва биоэквивалентлик синовларини ўтказиш бўйича йўриқнома. *Ўз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

10. Ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 2-сонли қўшимча. *Ўз Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Соғлиқни ҳимоя қилиш ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги қоронарлариди оила ва бошқа ўчки ҳўжалик бўлиналари билан ҳисоб-китоб қилиш, уларга ҳўжалик ҳўжалик принциплари асосида ҳамда ҳисоб-ҳодимлар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби. *Ўз Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

12. Импорт божона тўловларини ҳисоблаш ва ўндирish тартиби. *Ўз Давлат божона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

13. Товарларнинг қелиб қилиш мамлакатини аниқлаш қоидалари. *Ўз Давлат божона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

14. Махсусотларни шиклини қодлаш тизими. *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*

15. Қоронарни рўйхатдан ўтказиш, махсусотларга ЕАН қодларини бериш, қайта қўриш ва бекор қилиш тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*

16. ЕАН штрихли код ҳисобловларини истемоул товарлари ва транспорт урамларига қойлаштириш тартиби. *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*

17. Меҳнатозорини, тўзатиш-ҳизмат қўратиш ҳодимларини, техникаларни авайлаб қўллашга қўриш ва ўндан самарали фойдаланганлиги, ёнлиги-мойлаш материалларини теҳаб сарфлаганлиги учун моддий рағбатлантириш тартиби. *Ўз Қишлоқ ва сў ҳўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

18. "Нуроний" жағмағарини, ўнинг бўлимлари, улар ҳўзурида тўзилган ҳойлардаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тўзилмалари томонидан солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида тўшутириш ҳати. *Ўз Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

19. Инвестиция ва ҳўсуийлаштириш инвестиция қондларига солиқ қўриш тўғрисида тўшутириш ҳати. *Ўз Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

20. Молия вазирлигида экспорт қиличи қоронарлар томонидан махсусотлар (ишлар, ҳизматлар) таннари ва уни бўджет олдидаги қарзини қаматириш йўли билан марказлаштирилмаган экспорт бўйича экспортта сотиш наҳри ўртасидаги факрни қоплаш учун тақдим этилган талаботномаларни қўриб чиқиш тартиби. *Ўз Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

21. Ўзбекистон Республикасида бинолар ва ишностларни теҳник инвентаризациясини ўтказиш бўйича йўриқнома. *Ўз Қўммунал ҳизмат қўратиш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

22. Ёркин сотиш ва қорихий инвесторлар учун белгиланган акцияларни сотишдан олинган пул маблағларини топшириш, қойдаланиш ва қайтариш тартиби. *Ўз Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

23. "Санавт қоронаси (бирлашмаси)нинг таёйр махсусотини қўлаш ва қодлиги бўйича ҳисоботи" 2-шақадига - (ойлик) шартнома ҳисоботи бўйича йўриқнома. *Ўз Макронтиқсийет ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

24. Қорихий валадотдаги ҳисобаварларда маблағлари бўлган ҳўжалик қоритувчи субъектларнинг бўджет олдидаги мажбуриятларини қоплаш тартиби. *Ўз Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

25. Марказий банкининг назорат бўлимлари томонидан тикорат банклари ва унинг филиаллари назоратини (теқширишини) амалга ошириш тартиби тўғрисида низоом. *Ўз Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

26. Ойин-савдода тўгутилмаётган ва санация қилинаётган қоронарларнинг мүлкнини сотишини тақшил этиш тартиби. *Ўз Давлат мүлки қўмитаси ҳўзуридаги Иқтисоди ноҳор қоронарлар ишлари бўйича қўмита томонидан тақдим этилган.*

27. Мажбурий сертификатлаштира лозин бўлган махсусотлар ва унинг ҳавфсизлигига қўйилмадган талаблари белгилөөчи меъерий ҳўжжатлар рўйхатига 1-сонли қўшимча. *Ўздавстандарт томонидан тақдим этилган.*

Маълумотлар Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлигининг Идоравий меъерий ҳўжжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бошқормаси томонидан тақдим этилди.

Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар:
133-38-67, 132-00-28.

ИНСОН

ТАФАККУРИ БИЛАН КУЧЛИ

Хурматли домлага «Шу Ватан фарзан-ди бўлиб ўз ўтмишини бунчалик бепарво, лоқайд, беписандисиз», дегим келди-ю, ўзимни тийдим. Иккинчи бир мисол: аспирантурада ўқийдиган тадқиқотчиларимизнинг биридан «Ҳадис нима?» деб сўраганларида «Ҳадис бу рубоий бўлса керак» деб жавоб қайтарди. Шунда беихтиёр Юртбошимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган ҳикматомуз сўзлари эсимга тушди.

Ҳақиқатан ҳам мустабид тузум миллат хотирасини маъв этиш учун йиллар давомида «улкан сиёсат» юритди. Миллат вакиллари шуурига тарихнинг сохталаштирилган чўчкаларини тикиштиришга, ўтмишга, динимизга, тилимизга ва қадриятларимизга нисбатан нописандлик туйғусини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Зеро, хотирадан маҳрум инсонларни осонлик билан қўлга айлантириш мумкин. Чунки хотира инсонга ато этилган улуг неъмат бўлиб, тафаккурнинг бош устунидир. Инсон онги ва тафаккури эса жамиятни ривожлантирувчи, табиатни ўзгартирувчи чексиз қудрат ҳисобланади. Зотан, моддий ҳаётдаги ўзгаришлар заминин, энг аввало, фикр, тушунча, тафаккур ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳазрат Алишер Навоий ёзганларидек:

Ҳар ишни қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Талаба ёшлар ва айрим тарбиячилар орасида бундай лоқайдлик ва бепарволик ҳам босқинчилар томонидан асрлар давомида ўтказилиб келинган мафкуравий зўгуннинг мевасидир. Назаримизда, ҳозирда мавжуд бўлган лоқайдлик

Аслини айтганда, ҳозирда талабалар даврини су-
раётган ёшларимиз ўтмиш даврининг фарзандларидир.
Шунинг учун бўлса керак, уларнинг айримлари ораси-
да гоҳида лоқайдлик ва бепарволик аломатларини ҳам
кўриб қоламиз. Ачинарлиси шундаки, уларнинг мураб-
бийлари бўлган профессор-ўқитувчиларнинг айримла-
ри ҳам бу кўсудан холи эмас.

...Институтимизда танлов комиссияси бўлаётган
эди. Сўхбатга қаққилган хурматли ўқитувчиларимиз-
дан бирининг таънаси ҳаммамизни ҳайратга сол-
ди. У сўхбатдан чиқиб, ўз таъажубини билдира-
ётди: «Мендан қандайдир Жалолиддин Мангуберди-
нинг қимматини сўрайдилар... унинг касбига нима
алоқаси бор?»

ва бепарволик ҳам аслида ёмон кулфатлар келтирув-
чи оdatларимиздан. Дей-
лик, талаба ўзидан ёши
улуг инсон олдида салом
бермасдан ўтди. Ёхуд си-
гарет ёки нос чекиб ўти-
рибди. Устоз эса унга бе-
парво қарайди. Устига-ус-
та, ўзи ҳам намоийшко-
рона чекади. Ёки юқори-
да келтирилган Жалолид-
дин Мангубердига дахлдор
воқеликни эслайлик. Ас-
лида, иккала воқеанинг
ҳам илдизи битта. Боқибе-
ғамлик! Инчунун, бу ка-
саллик жуда юқумли ва за-
рарлидир. У инсонни Ва-
танин севishi, фидойилик,
мардлик ва шижоат каби
фазилатлардан ҳам мосу-
во этади. Ундан лоқайдлик
ва бепарволик уруғлари
урчилади.

Лоқайдлик ва бепарво-
лик катта қўлларда ҳам
юз кўрсатади. Масалан,
улар атрофимиздаги тари-
хий ўзгаришлар, улкан
бунёдкорликларнинг бўй-
бастини, янги жамиятнинг
шакл-шамойилини тўла
илғаб ололмайдилар. Бу —
ўзгаришларнинг моҳияти-
ни фикр қўзи билан кўра
билмасликда ҳам намоён
бўлади. Бундай кишилар
эса истиқлолнинг эски жа-
миятдан афзал жиҳатлари-
ни, улуг давлат барпо эти-
лаётганини теран англаб-
майди. Вақоланки, шу
ҳақиқатнинг ўзини англаб

етиш ҳам миллий гоя ва
миллий мафкурага ҳамо-
ҳанг бўлур эди.

Зеро биз, энг аввало,
ёшларнинг онгу шуурига,
маънавиятига кишан
бўлиб турган мустабид ту-
зумнинг асоратларидан
холи бўлиш, уларнинг та-
факкур дунёсини шакл-
лантириш учун ҳеч нар-
сани аямаслигимиз лозим.
Бунинг учун эса уларга
ёшлик даври маънавий
бойлик тўплайдиган, ақл
пешлайдиган, ҳаётий таж-
риба, малака ва кўникма-
лар йиғадиган давр экан-
лигини қайта-қайта ва
муттасил тушунтириши-
миз лозим бўлади.

Улар ўзини эмас, Ватан
қадри, миллат гурурини,
унинг тақдирини биринчи
ўринга қўйишлари, фидо-
йи ва маърифатли
бўлишлари лозим. Бу му-
қалдас йўлда катта ва ки-
чик нарсаларга, воқелик-
ларга бепарво, беписанд
қарамасликлар керак.

Профессор-ўқитувчи-
лар олдидаги энг муҳим
вазифалардан яна бири
талабаларни фуқаролик
бурчини юксак англаш
ҳамда мустақил Ватани-
миз ва демократик гоёлар-
га, умумбашарий ва мил-
лий қадриятларимизга со-
ддиқлик руҳида тарбиялаш,
ёшларда жаҳон илм-фани
ва маданияти ютуқларини
эгаллашга бўлган ихлосни

янада ривожлантиришдан
иборат. Шундагина улар
фақат япон мўжизаси-ю,
Ғарб зийраклигига ҳайрат-
ланиб қарамайди, балки,
энг аввало, улуг аждодла-
римиз дахосига имон кел-
тиради, уларга муносиб
бўлишни дилларига жо
қилиб, ўзлари ҳам жаҳон-
ни лол қолдирувчи каш-
фиётлар қилишга интила-
дилар ва алақоқибат, озо-
д мамлакатнинг ҳур фикр-
ловчи миллатларвар, ва-
танпарвар комил инсонла-
ри бўлиб етишадилар.

Президентимиз «Мен
ана шундай инсонлар
ҳақида ўйлар эканман,
дунёқарашим мустақиллик
йилларида шаклланиб
ёшларимизда келажак маъна-
виятнинг умидбахш кур-
такларини кўргандек бўла-
ман ва уларнинг келажак-
га катта ишонч ва заъв
билан қарайман» — деб
куйиниб айтганларида, ана
шундай ёшларни назарда
тутган бўлсалар керак.

Мақоламиз муқаддима-
сида таъкидлаганимиздек,
Жалолиддин Мангуберди-
ни билмасдан таъажубга
тушган домла, ҳадисни ру-
боий деб тушунган аспи-
рантнинг аҳоли бутун ўзи-
ни ватанпарвар деб бил-
ган ҳар бир инсон учун
кулгилдир. Аниқроғи,
уларнинг таъажубидан та-
ажубга тушиш мумкин.
Ҳеч кимни ва ҳеч бири-
мизни бу куйга солмасин.
Зеро, бу манкуртликдан
бошқа нарса эмас. Шу
боис ёшларимизни бу кул-
фатдан асрайлик, улар-
нинг қалбига эзгулик, фидо-
йилик, масъулият уруғ-
ларини экайлик ва меҳр
билан парварши қилайлик.

Қудрат АСҚАРОВ,
Самарқанд табиёт институтининг
бошқаруви даволаш
факультетининг маънавий ва
маърифат бўлими бошлиги,
профессор.

АМЕРИКАДА ЎЗБЕКЧА КИТОБ

Ўзбекистонлик мусиқа
ихлосмандлари Илёс Малла-
евни таниқти бастакор,
қўшиқчи ва ижодкор сифати-
да яхши билишди. У бир
неча йил муқаддам тақдир
тақозоси билан кўпгина
яхулийлар қатори Америкага
кўчиб кетган эди.

Яқинда Нью-Йоркда Илёс
Маллаевнинг «Қалб садоси»
(«Садои дил») номли шеърин
тўплами нашрдан чиқди.
Тўпламда асосан шоирнинг
ўзбек тилида ёзган шеърлари
ўрин олган.

Илёс Маллаев 90-йиллар-
нинг бошида АҚШга
муҳожир бўлиб кетганидан
сўнг шундай шеърин

сатрларни битган эди:
Азизим, бир бориб, хур
Ўзбекистонни томоша қил,
Биҳишти жойидондек болу
бўстонини томоша қил.
Ватан қўши шўлавор бўлган,
Ажойиб боғи Фарооқи
чароғини томоша қил.

Яқинда Нью-Йоркдаги
Бинат Ханм иешивесида (ўғил
болалар диний мактаби) Илёс

Маллаевнинг «Қалб садоси»
тўпламининг нашр этилиши
муносабати билан тақдирот
маросими бўлиб ўтди. Унда
Америкада ва бошқа мамла-
катларда истиқомат қилаётган
Бухоро яҳулийлари, олимлар,
адабиёт ва санъат арбоблари
иштирок этишди.

«Қалб садоси» тўпламидан
ўрин олган шеърларини
мунтола қилар экансиз, унда

мустақил Ўзбекистон, унинг
меҳнатсевар, қалби дарё
халқи, Тошкент, Самарқанд,
Бухоро сингари тарихий
шаҳарлари ҳақида битилган
ажойиб сатрларни ўқийсиз.

Шоир дейди:
Босдан зар сочсалар,
дунёни молини берсалар,
Бошқа юрт кўзга кўрин
мас моли дунёси билан.
Ўзбекистондек жаҳонда
бошқа бир юрт кўрмадим,
Тегмасин кўз соҳиб
қудратнинг имзоси билан.
Тақдирот маросими сўнг-
гида ўзбекча маком, куй ва
қўшиқлар янгради.

Ойбек РАЗЗОҚОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири.



БУХОРОЛИК ЗАРДУЗЛАР

Бухоро шаҳридаги
«Зардуз» ҳиссдорлик жа-
мияти томонидан хари-
дорларга тақдим этила-
ётган зардузлик маъсу-
лотларнинг харидори кўп.
Бу ерда айни вақтда 165
турдаги маҳсулот ишлаб
чиқаришмоқда. 700 нафар-
дан зиёд хотин-қизлар
момолардан ўтиб келаёт-
ган хунарни эъвозлаб, меҳ-
нат қилмоқда. Шу нар-
сани алоҳида таъкидлаш
керакки, жамият томо-
нидан ишлаб чиқарилаёт-
ган маҳсулотларга чет эл-
ларда ҳам қизиқиш кат-
та.

СУРАТЛАРДА:
зардузлар Дилшоҳа Зне-
ева, Зулайхо Қолирова;
тайёр маҳсулотлар; илгор
ишчи Ҳамидхон Охаева.

Тоҳиржон
ҲАМРОҚУЛОВ олган
суратлар.




ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!



«ДУЁР»
САВДО
УЙИ

Италияда ишланган
Аъло сифатли Мебелларни



Кенг қўламда тавсия этади:

- ЁТОҚХОНА МЕБЕЛЛАРИ
- ОШХОНА МЕБЕЛЛАР ТЎПЛАМИ
- ДЕВОР ШКАФЛАРИ ТЎПЛАМИ
- ОШХОНА ГАРНИТУРИ

(тўламда қўйиладиган бор: электр-газ плитаси, ҳаво
сўрич, идиш ювиш мосламаси ва 2 камерали музлаткич)
● ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАР ТЎПЛАМИ (ёйма дивани билан)
● ДАХЛАЗ МЕБЕЛЛАРИ
● ЖУРНАЛ СТОЛЛАРИ

СИЗНИ КУТАМИЗ!

Манзилимиз: Усмон Носир
кўчаси, 30 "а", 1-дўкон.
Тел.: 55-14-84, 95-17-60.

Амир Темур кўчаси 6,
2-дўкон. Тел.: 34-63-39;
Мўлжал "Главпочтамп".

Бешёғоч кўчаси 4, 3-дўкон.
Тел.: 45-53-60, Мўлжал: "Халқлар
дўстлиги" концерт зали қаршисида.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ СОЛИҚ ЛИЦЕЙИ

1999-2000 ўқув йили учун ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицей таянч мактабининг 9-синфини тугатган
иқтисдорли ёшларни математика, чет тили (инглиз), она
тили ва адабиётдан тест синовлари асосида қабул қилади.
Лицейда умумтаълим фанлари — математика, она
тили, адабиёт, чет тили ва информатикадан чуқур билим
бериш билан бир қаторда «Солиқ сиёсати асослари»,
«Банк иши», «Бухгалтерия ҳисоби», «Пул ва пул
муомаласи» каби фанлар ҳам ўргатилиб, иқтисодий
йўналишдаги олий ўқув юр்தларига кириш учун мақсадли
тайёрлов амалга оширилади.

Ўқув машғулотларини институтнинг етакчи
профессор-ўқитувчилари рус ва ўзбек тилларида олиб
борадилар.


Лицейда ўқиш истагини билдирганлар қўйидаги
ҳужжатларни қабул комиссиясига топширадилар:

1. Лицей директори номига ариза.
2. Таянч мактабини тугатганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
3. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.
4. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
5. 086-У формадаги тиббий маълумотнома.
6. Янаш жойидан маълумотнома.

Ҳужжатлар 1999 йил 10 июндан 31 июлгача
қабул қилинади.

Манзилимиз: С. Раҳимов тумани,
Саидов кўчаси, 6-пр., 3-уй.
(Республика кўз клиникаси қаршисида).

Телефонлар: 46-08-40,
46-62-73.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ КЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Аспирантурага:

Курортология ва физиотерапия (кардиология);
курортология ва физиотерапия (неврология).

Қишқик ординатурага:

курортология ва физиотерапия (кардиология);
курортология ва физиотерапия (гастро-
энтерология); курортология ва физиотерапия
(пульмонология).

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов нўфдаги эълон топ эълондан кўндал бошлаб — 1 ой.

Ҳужжатларни қўйидаги маълумот юборинг:

700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 4.
тел: 34-55-00., 34-34-10., 34-30-77.

Тошкент шаҳар Тери-таносил касалликлари шифо-
хонаси жамоаси бош шифокор, Тошкент шаҳар бош вене-
рологи Шоҳида Жалиловага волидан муҳтарамалари
МОҲИРА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»),
А. Жаббаров, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир
ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий,
И. Хулоёров, И. Шогўломов, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28;
Эълоплар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г. — 0456, 30695 нусхада босилди.
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қозғоқ бичими А-2
Газета ИМ компьютерда терилди ва операторлар
Сергей ЛУКИН ва Жамид ТОҒАЕВ
томонидан сақфаланилди.
Таҳририятда ҳажми 5 қозғоқдан зиёд материал-
лар қабул қилинмайди.

Манзилимиз: 700000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орипов.
Набатчи муҳаррир — Г. Ёлдошева.
Набатчи — О. Раҳабов.
Муасхххх — Ш. Матраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилади: 00.10 1 2 3 4 5 6